ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.06.2020.FM.70.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДИЛМУРОДОВ ЭЛЁР БАХТИЁРОВИЧ

ИККИНЧИ ТАРТИБЛИ ОПЕРАТОРЛИ МАТРИЦАЛАРНИНГ СПЕКТРАЛ ХОССАЛАРИ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Қарши - 2021

УДК: 517.984

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.06.2020.FM.70.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДИЛМУРОДОВ ЭЛЁР БАХТИЁРОВИЧ

ИККИНЧИ ТАРТИБЛИ ОПЕРАТОРЛИ МАТРИЦАЛАРНИНГ СПЕКТРАЛ ХОССАЛАРИ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Қарши-2021

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/FM327 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.qarshidu.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Расулов Тўлқин Ҳусенович** физика-математика фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	**Рахматуллаев Музаффар Мухаммаджанович** физика-математика фанлари доктори (DSc)
	Хамраев Ахрор Юсупович физика-математика фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.06.2020.FM.70.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «20» май соат 14^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши ш., Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (+998 75) 225-34-13, факс: (+998 75) 221-00-56, e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети, Физика-математика факультети (102-хона).

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (43 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши ш., Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (+998 75) 225-34-13).

Диссертация автореферати 2021 йил «08» май куни тарқатилди.
(2021 йил «08» май даги 3 рақамли реестр баённомаси).

Б.А. Шоимкулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

А.А. Имомов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д. (DSc), доцент

Ю.Х. Эшкабилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда олиб борилаётган аксарият изланишлар элементлари Ҳилберт фазоларида таъсир қилувчи чизиқли операторлардан иборат бўлган операторли матрицаларнинг спектрал хоссаларини аниқлашга олиб келинади. Операторли матрицаларнинг муҳим ва дискрет спектрлари билан боғлиқ масалалар қаттиқ жисмлар физикаси, квант майдон назарияси, статистик физика, магнитогидродинамика, квант механикаси ва бошқа кўплаб соҳалардаги долзарб масалалардан ҳисобланади. Шунинг учун чизиқли операторлар спектрал назариясида учрайдиган панжарадаги сони сақланмайдиган чекли сондаги заррачалар системасига мос операторли матрицаларга оид тадқиқотларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда операторли матрицалар хос қийматлари сонининг чексиз бўлиш шартларини аниқлаш бўйича кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, умумлашган Фридрихс модели учун сонли тасвир ва квадратик сонли тасвирларнинг тузилишини кўрсатиш, иккинчи тартибли операторли матрица муҳим спектри тузилишини аниқлаш, муҳим спектрдан ташқаридаги хос қийматлар сонининг чекли ёки чексиз бўлиш шартларини топишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда панжарадаги сони иккитадан ошмайдиган ва учтадан ошмайдиган заррачалар системаларига мос операторли матрицаларнинг хоссаларини очиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Операторли матрицаларнинг муҳим ва дискрет спектрлари, хос қийматлар сонини аниқлаш ва дискрет спектри асимптотикасини топишга оид салмоқли натижаларга эришилди. «Математика, физика, амалий математика фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари» этиб белгиланди[1]. Бу борада чизиқли операторларнинг спектрал назариясини ривожлантириш, иккинчи тартибли операторли матрица муҳим спектрининг тузилишини кўрсатиш ҳамда унинг дискрет спектри чекли ёки чексиз тўплам бўладиган шартларни топиш муҳим илмий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 292-сон қарори.

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Операторли матрицалар спектрал назариясининг бошланғич тушунчаларига оид тадқиқотлар К. Треттер, Ҳ. Лангер, А. Жериби, Г. Шпон, Р. Менникен, Р. Нагель, А.С. Маркус, Р.А. Минлос, А.А. Шкаликов, С.Н. Лақаев, А.Ю. Константинов, А.К. Мотовилов ва бошқа кўплаб олимлар томонидан олиб борилган.

Ҳозирги вақтда операторли матрицалар дискрет спектрини тадқиқ қилиш масаласи чизиқли операторли матрицалар назариясининг чуқур ўрганилаётган объектларидан бири ҳисобланади. Бундай турдаги операторлар спектрал таҳлилидаги асосий масалалардан бири унинг муҳим спектридан чапда ва ўнгда жойлашган чексиз сондаги хос қийматлар мавжудлигини ўрганиш масаласидир. Бу ҳодиса муҳим спектрнинг чап чегарасига нисбатан Ефимов ҳодисаси деб аталади. Бу ҳодисанинг мавжудлиги дастлаб В.Н. Ефимов томонидан ўрганилган. Ефимов ҳодисаси мавжудлигининг қатъий математик исботи дастлаб Д.Р. Яфаев томонидан келтирилган. Кейинчалик Ю.Н. Овчинников, И.М. Сигал, Ҳ. Тамура, А.В. Соболев ва бошқа олимлар томонидан уч заррачали узлуксиз Шредингер оператори учун Ефимов ҳодисасининг мавжудлиги ўрганилган.

Қаттиқ жисмлар физикаси, шунингдек, панжаравий майдон назариясида узлуксиз фазодаги уч заррачали Шредингер операторининг панжаравий аналоги бўлган дискрет Шредингер оператори деб аталувчи операторлар пайдо бўлади. Дастлаб С.Н. Лақаев томонидан уч ўлчамли панжарадаги ўзаро жуфт-жуфти билан контакт таъсирлашувчи учта ихтиёрий ва учта бир хил заррачали системалар учун Ефимов ҳодисасининг мавжудлиги математик нуқтаи назардан қатъий исботланган.

С.Н. Лақаев, С. Альбеверио, Ж.И. Абдуллаев ва З.Э. Мўминовларнинг ишларида $H_\mu(0)$ уч заррачали дискрет Шредингер операторининг $z,\ z<0$ сонидан чапда ётувчи хос қийматлари сони $N(0,z)$ учун қуйидаги кўринишдаги асимптотика олинган

$$\lim_{z\nearrow 0} N\left(0,z\right)|\ln|z||^{-1} = U_0 \qquad (0<U_0<\infty), \tag{1}$$

бу ерда U_0 фақатгина учта заррача массаларига боғлиқ ва таъсирлашиш потенциалларига боғлиқ эмас. Бундан ташқари, $H_\mu(K)$ оператор манфий хос қийматлари сони $N(K,0)$ учун

$$\lim_{|K|\to 0} N\left(K,0\right)|\ln|K||^{-1} = 2U_0$$

кўринишидаги асимптотика олинган. Бу асимптотика фақат панжаравий ҳоллар учун ўринли бўлиб, узлуксиз ҳолда аналоги мавжуд эмас.

М.Э. Мўминовнинг ишида панжарадаги учта ихтиёрий заррачалар ситемасига мос гамильтониан муҳим спектрининг бўшлиғида чексиз сондаги хос қийматлар мавжудлиги исботланган.

Ю.Х. Эшқобиловнинг ишида Хаббард моделида вужудга келувчи, уч заррачали модель дискрет Шредингер оператори учун Ефимов ҳодисасининг мавжудлиги исботланган. Бунда ўз-ўзига қўшма чегараланган операторлар учун минимакс принципи усуллари ва мусбат интеграл операторлар хоссаларидан фойдаланилган.

Юқорида келтириб ўтилган ишларда сони сақланадиган чекли сондаги заррачалар системалари учун Ефимов ҳодисасининг мавжудлиги ўрганилган.

С.Н. Лақаев, С. Альбеверио, Т.Ҳ. Расуловларнинг ишларида эса мос умумлашган Фридрихс модели муҳим спектр чап чегарасида виртуал сатҳга эга бўлса, сони сақланмайдиган ва учтадан ошмайдиган заррачалар системасига мос операторли матрицалар учун Ефимов ҳодисасининг мавжуд бўлиши исботланган, ҳамда дискрет спектр асимптотикаси ўрганилган. М.Э. Мўминов ва Т.Ҳ. Расуловларнинг ишларида эса бу турдаги операторли матрицалар учун муҳим спектрнинг ичида (муҳим спектрнинг бўшлиғида, муҳим спектрдан чапда) чексиз сондаги хос қийматлар мавжуд бўлиш шартлари ўрганилган.

Ушбу диссертация иши операторли матрицалар учун олдин ўрганилмаган «икки ёқлама Ефимов ҳодисаси»ни ўрганишга бағишланган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган М.01.2017-рақамли «Чизиқли операторларнинг спектрал назарияси» илмий-тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бутун сонли панжарадаги сони учтадан ошмайдиган заррачалар системасига мос гамильтонианлар билан боғлиқ иккинчи тартибли операторли матрица муҳим спектрининг тузилишини аниқлаш ва муҳим спектрдан ташқарида жойлашган хос қийматлари сонининг чекли ёки чексиз бўлиш шартларини топишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

иккита Ҳилберт фазоларининг тўғри йиғиндисида таъсир қилувчи ўз-ўзига қўшма, умуман олганда чегараланмаган иккинчи тартибли операторли матрицалар синфининг хос қийматлари сони чекли ёки чексиз бўлиш шартларини аниқлаш, шу билан бир қаторда дискрет спектри учун асимптотика олиш;

умумлашган Фридрихс модели сонли тасвирининг тузилишини аниқлаш ҳамда унинг квадратик сонли тасвири компоненталари чегаралари учун баҳолашлар олиш;

иккинчи тартибли операторли матрица муҳим спектри ва унинг «икки заррачали» ва «уч заррачали» тармоқлари тузилишини аниқлаш;

таъсирлашиш параметрининг иккинчи тартибли операторли матрица муҳим спектрдан ташқарида ва бир вақтда муҳим спектрнинг чап ва ўнг чегараларига яқинлашувчи чексиз сондаги хос қийматларга эга бўладиган критик қийматини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида иккинчи тартибли ўз-ўзига қўшма чегараланмаган операторли матрицалар, панжарадаги сони учтадан ошмайдиган заррачалар системасига мос гамильтонианлар билан боғлиқ иккинчи тартибли операторли матрицалар ва умумлашган Фридрихс модели олинган.

Тадқиқотнинг предметини ўз-ўзига қўшма чегараланмаган иккинчи тартибли операторли матрицалар синфининг дискрет спектри, пайдо қилиш ва йўқотиш операторлари ёрдамида аниқланган сони n $(n = 2,3)$дан ошмайдиган заррачалар системасига мос иккинчи тартибли операторли матрицаларнинг спектрал хоссалари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида математик анализ, функционал анализ, ўз-ўзига қўшма операторларнинг спектрал назарияси ва математик физика усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат**:**

иккинчи тартибли операторли матрица кўринишидаги умумлашган Фридрихс модели сонли тасвирининг тузилиши ёрдамида унинг спектри ва сонли тасвири устма-уст тушиш шартлари топилган;

умумлашган Фридрихс моделининг квадратик сонли тасвири компоненталарининг чегаралари учун баҳолашлар олинган;

умумлашган Фридрихс моделлари оиласининг спектри ёрдамида сони сақланмайдиган ва учтадан ошмайдиган заррачалар системаси билан боғлиқ иккинчи тартибли операторли матрицанинг муҳим спектри аниқланган;

спектрал параметрнинг иккинчи тартибли операторли матрица муҳим спектридан ташқарида чекли ёки чексиз сондаги хос қийматларга эга бўладиган сиртлари ажратилган бўлиб, унинг қиймати 6 га тенг бўлганда бир вақтнинг ўзида муҳим спектрдан чапда ва ўнгда хос қийматлар сони чексиз бўлиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бутун сонли панжарадаги сони учтадан ошмайдиган заррачалар системасига мос гамильтонианлар билан боғлиқ иккинчи тартибли операторли матрица учун «икки ёқлама Ефимов ҳодисаси»нинг мавжудлик шартлари топилган;

умумлашган Фридрихс моделининг сонли ва квадратик сонли тасвири учун олинган натижалардан қаттиқ жисмлар физикаси ва квант механикасидаги панжаравий моделлар хос қийматларининг жойлашув ўрни аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги математик анализ, функционал анализ, математик физика ва ўз-ўзига қўшма операторларнинг спектрал назарияси методларидан фойдаланган ҳолда аниқ математик таҳлиллар ва исботлашлар билан изоҳланган.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотда олинган натижаларнинг илмий аҳамияти улардан ўз-ўзига қўшма операторлар назариясининг квант майдонлар назарияси, қаттиқ жисмлар физикаси, статистик физикада пайдо бўладиган, хусусан, иккинчи тартибли операторли матрицалар билан боғлиқ масалаларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

диссертация натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, операторли матрицаларнинг хос қийматлари сони ёрдамида қаттиқ жисмлар физикаси ва квант механикасининг панжарадаги сони сақланмайдиган ва учтадан ошмайдиган заррачалар системаларига мос моделларнинг қийматлари сонини аниқлаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иккинчи тартибли операторли матрицаларга доир олинган илмий натижалар асосида:

умумлашган Фридрихс моделининг квадратик сонли тасвири чегаралари учун олинган баҳолашлар ҳамда сонли тасвири учун олинган натижаларидан AP05131268 рақамли «Эллиптик тенгламалар ва уларнинг каср тартибли аналоги учун классик ва классик бўлмаган чегаравий масалаларни ечиш усулларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Хўжа Аҳмад Яссавий номли халқаро қозоқ-турк университетининг 2021 йил 1 февралдаги 04/148-сон маълумотномаси). Натижада умумлашган Фридрихс моделининг сонли тасвири ва квадратик сонли тасвирининг хоссалари эллиптик операторлар спектрининг чегараларини аниқлаш имконини берган;

иккинчи тартибли операторли матрица муҳим спектри учун олинган натижалар ва унинг муҳим спектридан ташқарида чексиз сондаги хос қийматларга эга бўлиш шартларидан ОТ-Ф4-69 рақамли «Гармоник анализ, даражали геометрия ва унинг математик физика масалаларига татбиқлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 13 октябрдаги 89-03-3898-сон маълумотномаси). Натижада иккинчи тартибли операторли матрица муҳим спектрининг чап ва ўнг томонида жойлашган чексиз сондаги хос қийматлари мавжудлигини исботлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий натижалари 6 та халқаро ва 4 та Республика илмий-амалий анжуманларида, жами 10 та илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та, жумладан, 5 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 115 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертацияда танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги ёритилган, мавзу бўйича хорижий ва маҳаллий илмий–тадқиқот ишлари шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган мақолалар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Чегараланмаган ўз-ўзига қўшма 2×2 операторли матрицалар синфининг дискрет спектрини тадқиқ қилиш**» деб аталади. Ушбу бобда 2×2 операторли матрица кўринишида бўлган ўз-ўзига қўшма, умуман олганда чегараланмаган операторлар синфининг дискрет спектри ўрганилган.

Биринчи бобнинг биринчи параграфида дастлабки тушунчалар ва маълум тасдиқлар келтирилган.

Айтайлик H_1 ва H_2 – Ҳилберт фазолари, $H = H_1 \oplus H_2$ ва $\mathcal{A} \in L(H)$ бўлсин, бу ерда, $L(H) - H$ фазода аниқланган чизиқли чегараланган операторлар фазоси. У ҳолда $\mathcal{A}$ оператор ҳамиша элементлари чизиқли чегараланган $A_{ij} : H_j \to H_i$, $i, j = 1,2$ операторлардан тузилган қуйидаги 2×2 операторли матрица кўринишида тасвирланади:

$$\mathcal{A} = \begin{pmatrix} A_{11} & A_{12} \\ A_{21} & A_{22} \end{pmatrix}. \qquad (2)$$

H фазода аниқланган чизиқли чегараланмаган $\mathcal{A}$ оператор учун, унинг аниқланиш соҳаси $D(\mathcal{A})$ ушбу $D_1 \subset H_1$, $D_2 \subset H_2$ қисм фазоларнинг тўғри йиғиндиси $D_1 \oplus D_2$ кўринишида тасвирланиши шарт эмас, шу билан бир қаторда $\mathcal{A}$ операторнинг (2) кўринишда тасвирланиши қўшимча шарт ҳисобланади. Бу ҳолда $\mathcal{A}$ операторнинг аниқланиш соҳаси учун қуйидаги муносабат ўринли бўлади:

$$D(\mathcal{A}) = (D(A_{11}) \cap D(A_{21})) \oplus (D(A_{12}) \cap D(A_{22})).$$

Иккинчи параграфда иккита Ҳилберт фазолари тўғри йиғиндисида таъсир қилувчи ўз-ўзига қўшма, умуман олганда чегараланмаган $\mathcal{A} = \mathcal{A}_0 + \mathcal{V}$ кўринишидаги 2×2 операторли матрицалар синфининг дискрет спектри тадқиқ қилинган.

H_1, H_2 – сепарабель Ҳилберт фазолари берилган бўлсин.

Қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи ва $H = H_1 \oplus H_2$ фазода таъсир қилувчи (2) кўринишидаги 2×2 операторли матрицалар синфи $\mathcal{A}$ ни қараймиз: $A_{11} : H_1 \to H_1$–чизиқли чегараланган ўз-ўзига қўшма оператор,

$A_{12}: H_2 \to H_1$ – чизиқли чегараланган оператор, $A_{21} = A_{12}^*$, ва $A_{22}: H_2 \supset D(A_{22}) \to H_2$ – чизиқли, ўз-ўзига қўшма, умуман олганда чегараланмаган оператор. У ҳолда $\mathcal{A}$ оператор H фазода аниқланиш соҳаси $D(\mathcal{A}) = H_1 \oplus D(A_{22})$ бўлган чизиқли ўз-ўзига қўшма оператор бўлади.

$\mathcal{A}$ операторни H фазода таъсир қилувчи қуйидаги $\mathcal{A}_0$ ва $\mathcal{V}$ операторли матрицаларнинг йиғиндиси кўринишида тасвирлаймиз:

$$\mathcal{A}_0 := \begin{pmatrix} 0 & 0 \\ 0 & A_{22} \end{pmatrix}, \qquad \mathcal{V} := \begin{pmatrix} A_{11} & A_{12} \\ A_{12}^* & 0 \end{pmatrix},$$

бу ерда, $D(\mathcal{A}_0) = D(\mathcal{A})$ ва $D(\mathcal{V}) = H$ бўлиб, $\mathcal{A}_0 = \mathcal{A}_0^*$ ва $\mathcal{V} = \mathcal{V}^*$ бўлади.

Бирор (умуман олганда барча) $z \in \rho(\mathcal{A}) \cap \rho(\mathcal{A}_0)$ нуқтада $\mathcal{A}$ ва $\mathcal{A}_0$ операторлар резольвенталарининг фарқи чекли рангга эга бўладиган ҳолни қараймиз. Яъни

$$\mathcal{T}(z) := (\mathcal{A} - zI)^{-1} - (\mathcal{A}_0 - zI)^{-1}, \ rank\, \mathcal{T}(z) = \dim R(\mathcal{T}(z)) = r < \infty, \qquad (3)$$

бу ерда I орқали H фазодаги бирлик оператор белгиланган. У ҳолда (ҳаттоки $\mathcal{T}(z)$ компакт бўлганда ҳам) Фредгольмнинг аналитик теоремасига кўра $\sigma_{ess}(\mathcal{A}) = \sigma_{ess}(\mathcal{A}_0)$ тенглик ўринли бўлади.

$N_{(a;b)}(\mathcal{A})$ орқали $\mathcal{A}$ операторнинг $(a;b) \subset \mathbb{R} \setminus \sigma_{ess}(\mathcal{A})$ интервалда ётувчи хос қийматлари сонини (карраликлари билан ҳисобга олганда) белгилаймиз.

1-теорема. *$\mathcal{A}$ ва $\mathcal{A}_0$ операторлар* (3) *шартни қаноатлантирсин, ҳамда $\mathcal{A}_0$ операторнинг муҳим спектри қуйидаги кўринишда бўлсин:*

$$\sigma_{ess}(\mathcal{A}_0) \setminus \{\infty\} = \bigcup_{n=1}^{m} [a_{2n-1}; a_{2n}],$$

$a_1 < a_2 < \ldots < a_{2m}$ ва $m < \infty$. $a_0 < a_1$ ва $a_{2m+1} > a_{2m}$ шартларни қаноатлантирувчи тайинланган a_0 ва a_{2m+1} ҳақиқий сонларни олайлик. У ҳолда ихтиёрий $n = 0, \ldots, m$ сони учун ушбу муносабат ўринли бўлади:

$$N_{(a_{2n}; a_{2n+1})}(\mathcal{A}) = \infty \Leftrightarrow N_{(a_{2n}; a_{2n+1})}(\mathcal{A}_0) = \infty.$$

Агар $N_{(a_{2n}; a_{2n+1})}(\mathcal{A}) = \infty$ бўлса, у ҳолда a_{2n}, a_{2n+1} нуқталардан ҳеч бўлмаганда биттаси (a_0 *ва* a_{2m+1} *нуқталардан ташқари*) *хос қийматларининг қуюқлашиш нуқтаси бўлади ва қуйидаги муносабатлар ўринли бўлади:*

$$\lim_{z \searrow a_{2n}} \frac{N_{(z; a_{2n+1} - \delta_n)}(\mathcal{A})}{N_{(z; a_{2n+1} - \delta_n)}(\mathcal{A}_0)} = 1 \text{ (агар } a_{2n} \text{ қуюқлашиш нуқтаси бўлса);}$$

$$\lim_{z \nearrow a_{2n+1}} \frac{N_{(a_{2n} + \delta_n; z)}(\mathcal{A})}{N_{(a_{2n} + \delta_n; z)}(\mathcal{A}_0)} = 1 \text{ (агар } a_{2n+1} \text{ қуюқлашиш нуқтаси бўлса);}$$

бу ерда, $0 < \delta_n < a_{2n+1} - a_{2n}$.

Биринчи бобнинг учинчи параграфида муҳим спектри ўзаро кесишмайдиган иккита ярим ўқнинг бирлашмасидан тузилган ўз-ўзига қўшма чегараланмаган $\mathcal{A}_t$, $t \in \mathbb{R}$ - 2×2 операторли матрицалар оиласи қаралган. $\mathcal{A}_0$ оператор ўзининг муҳим спектри бўшлиғида чексиз сондаги хос қийматларга эга бўлиши кўрсатилган. Ҳар бир тайинланган $t_0 \in \mathbb{R}\setminus\{0\}$ сони учун $\mathcal{A}_{t_0}$ муҳим спектрининг бўшлиғида чекли сонда, муҳим спектрнинг ичида эса чексиз кўп хос қийматларга эга бўлиши кўрсатилган. Бундан ташқари, шундай $\delta > 0$ сон мавжуд бўлиб, $|t| \ge \delta$ бўладиган барча t ларда $\mathcal{A}_t$ оператор муҳим спектрнинг бўшлиғида хос қийматларга эга бўлмаслиги исботланган.

Диссертация ишининг **«Умумлашган Фридрихс моделлари оиласининг хос қийматлари ва виртуал сатҳлари»** деб номланувчи иккинчи бобининг биринчи параграфида $\hat{H} := H_0 \oplus H_1$. ($H_0 := \mathbb{C}$, $H_1 := L_2(\mathbb{T}^3)$) Ҳилберт фазосида таъсир қилувчи $\mathcal{A}_\mu(k), k \in \mathbb{T}^3$ умумлашган Фридрихс моделлари оиласи ушбу 2×2 операторли матрица

$$\mathcal{A}_\mu(k) := \begin{pmatrix} A_{00}(k) & \mu A_{01} \\ \mu A_{01}^* & A_{11}(k) \end{pmatrix}$$

кўринишида қаралади, унинг $A_{ii}(k): H_i \to H_i, i = 0,1, k \in \mathbb{T}^3$ ва $A_{01}: H_1 \to H_0$ матрицавий элементлар қуйидаги формулалар билан аниқланган:

$$A_{00}(k) f_0 = w_0(k) f_0, \quad A_{01} f_1 = \int_{\mathbb{T}^3} f_1(t)dt, \quad (A_{11}(k) f_1)(p) = w_1(k,p) f_1(p).$$

Бу ерда $f_i \in H_i, i = 0,1$; μ-мусбат ҳақиқий сон, $w_0(\cdot)$ ва $w_1(\cdot,\cdot)$ функциялар

$$w_0(k) := \varepsilon(k) + \gamma, \quad w_1(k,p) := \varepsilon(k) + \varepsilon\left(\frac{1}{2}(k+p)\right) + \varepsilon(p), \tag{4}$$

кўринишга эга, $\gamma \in \mathbb{R}$, $\varepsilon(\cdot)$ дисперсия функцияси эса

$$\varepsilon(k) := \sum_{i=1}^{3}(1-\cos k_i), \; k = (k_1,k_2,k_3) \in \mathbb{T}^3.$$

тенглик билан аниқланган.

$\mathcal{A}_0(k) = \mathcal{A}_\mu(k)\big|_{\mu=0}$ бўлсин. Маълумки, $\mathcal{A}_0(k)$ операторнинг $\mathcal{A}_\mu(k) - \mathcal{A}_0(k)$ қўзғалиш оператори ўз-ўзига қўшма оператор бўлиб, ранги 2 га тенг. Шу сабабли чекли рангга эга бўлган қўзғалишларда муҳим спектрнинг ўзгармаслиги ҳақидаги машҳур Г.Вейл теоремасига кўра $\sigma_{ess}(\mathcal{A}_\mu(k)) = [m(k); M(k)]$, бу ерда $m(k)$ ва $M(k)$ сонлари қуйидагича аниқланган: $m(k) := \min\limits_{p\in\mathbb{T}^3} w_1(k,p)$, $\quad M(k) := \max\limits_{p\in\mathbb{T}^3} w_1(k,p)$.

$\mathcal{A}_\mu(k)$ операторнинг хос қийматларини ўрганиш мақсадида, ҳар бир тайинланган $k \in \mathbb{T}^3$ учун $\mathbb{C}\setminus\sigma_{ess}(\mathcal{A}_\mu(k))$ соҳада регуляр бўлган

$$I(k;z):=\int_{\mathbb{T}^3}\frac{dt}{w_1(k,t)-z}$$

функцияни аниқлаймиз. Одатда

$$\Delta_\mu(k\,;z):=w_0(k)-z-\mu^2 I(k\,;z),\ \ z\in\mathbb{C}\setminus\sigma_{ess}(\mathcal{A}_\mu(k))$$

функцияга $\mathcal{A}_\mu(k)$ операторга мос Фредгольм детерминанти дейилади.

$w_1(\cdot,\cdot)$ функция $(\bar{0},\bar{0})\in(\mathbb{T}^3)^2$ нуқтада ягона айнимаган минимумга ва $(\bar{\pi},\bar{\pi})\in(\mathbb{T}^3)^2$ нуқтада ягона айнимаган максимумга эришади. Ҳамда,

$$\min_{k,p\in\mathbb{T}^3} w_1(k,p)=w_1(\bar{0},\bar{0})=0,\qquad \max_{k,p\in\mathbb{T}^3} w_1(k,p)=w_1(\bar{\pi},\bar{\pi})=18.$$

Аниқланишига кўра $w_0(\cdot)$ функция ҳам $\bar{0}\in\mathbb{T}^3$ нуқтада айнимаган минимумга ва $\bar{\pi}\in\mathbb{T}^3$ нуқтада айнимаган максимумга эришади. Кейинги натижаларни баён қилиш учун баъзи маълумотларни келтириб ўтамиз:

$$\sigma_{ess}(\mathcal{A}_\mu(\bar{0}))=[0;9\frac{3}{8}],\ \ \sigma_{disc}(\mathcal{A}_\mu(\bar{0}))=\{z\in\mathbb{C}\setminus[0;9\frac{3}{8}]:\Delta_\mu(\bar{0}\,;z)=0\};$$

$$\sigma_{ess}(\mathcal{A}_\mu(\bar{\pi}))=[8\frac{5}{8};18],\ \sigma_{disc}(\mathcal{A}_\mu(\bar{\pi}))=\{z\in\mathbb{C}\setminus[8\frac{5}{8};18]:\Delta_\mu(\bar{\pi}\,;z)=0\}.$$

Демак, $\min\limits_{k\in\mathbb{T}^3}\sigma_{ess}(\mathcal{A}_\mu(k))=0,\ \min\limits_{k\in\mathbb{T}^3}\sigma_{ess}(\mathcal{A}_\mu(k))=18.$

Ушбу бобнинг иккинчи параграфи $\mathcal{A}_\mu(\bar{0})$ ва $\mathcal{A}_\mu(\bar{\pi})$ операторлар учун хос қиймат ва виртуал сатҳ тушунчаларини ўрганишга бағишланган. $\gamma\in\mathbb{R}$ спектрал параметр ва $\mu>0$ таъсирлашиш параметри учун $\mathcal{A}_\mu(\bar{0})$ ва $\mathcal{A}_\mu(\bar{\pi})$ операторлар яккаланган хос қийматларга эга бўлиш шартлари топилган.

Қуйидагича белгилаш киритамиз:

$$\hat{\mu}_l^0(\gamma):=\sqrt{\gamma}(I(\bar{0};0))^{-1/2},\ \text{агар}\ \gamma>0\ \text{бўлса;}$$

$$\hat{\mu}_r^0(\gamma):=\sqrt{12-\gamma}(I(\bar{0};0))^{-1/2},\ \text{агар}\ \gamma<12\ \text{бўлса.}$$

$C(\mathbb{T}^3)$ ва $L_1(\mathbb{T}^3)$ орқали мос равишда $\mathbb{T}^3$ да аниқланган узлуксиз функциялар ва интегралланувчи функцияларнинг Банах фазоларини белгилаймиз.

1-таъриф. $\gamma\neq 0$ *бўлсин. Агар* $\lambda=1$ *сони*

$$(G_\mu\psi)(q)=\frac{\mu^2}{\gamma}\int_{\mathbb{T}^3}\frac{\psi(t)dt}{\varepsilon(t/2)+\varepsilon(t)},\qquad \psi\in C(\mathbb{T}^3)$$

интеграл оператори учун хос қиймат бўлса, $\mathcal{A}_\mu(\bar{0})$ *оператор* $z=0$ *нуқтада виртуал сатҳ* (*ёки нол энергияли резонанс*)*га эга бўлади дейилади.*

2-таъриф. $\gamma\neq 12$ *бўлсин. Агар* $\lambda=1$ *сони*

$$(G'_\mu\varphi)(q)=\frac{\mu^2}{\gamma-12}\int_{\mathbb{T}^3}\frac{\varphi(t)dt}{\varepsilon((\bar{\pi}+t)/2)+\varepsilon(t)-12},\qquad \varphi\in C(\mathbb{T}^3)$$

интеграл оператори учун хос қиймат бўлса, $\mathcal{A}_\mu(\bar{\pi})$ *оператор* $z=18$ *нуқтада виртуал сатҳга эга бўлади дейилади.*

Қуйидаги теоремада $\mathcal{A}_\mu(\overline{0})$ операторнинг манфий хос қийматга ва $z=0$ нуқтада виртуал сатҳга эга бўлиш шартлари топилган.

2-теорема. 1) *Агар* $\gamma \le 0$ *бўлса, у ҳолда ихтиёрий* $\mu > 0$ *сони учун* $\mathcal{A}_\mu(\overline{0})$ *оператор ягона манфий хос қийматга эга бўлади*.

2) *Агар* $\gamma > 0$ *бўлса, у ҳолда қуйидаги тасдиқлар ўринли бўлади:*

2.1) *ихтиёрий* $\mu \in (0; \hat{\mu}_l^0(\gamma))$ *сони учун* $\mathcal{A}_\mu(\overline{0})$ *оператор манфий хос қийматга эга эмас*;

2.2) *агар* $\mu = \hat{\mu}_l^0(\gamma)$ *бўлса, у ҳолда* $\mathcal{A}_\mu(\overline{0})$ *оператор* $z=0$ *нуқтада виртуал сатҳга эга бўлади;*

2.3) *ихтиёрий* $\mu > \hat{\mu}_l^0(\gamma)$ *сони учун* $\mathcal{A}_\mu(\overline{0})$ *оператор ягона манфий хос қийматга эга бўлади.*

Худди шу каби γ ва μ параметрлар учун $\mathcal{A}_\mu(\overline{\pi})$ оператор 18 дан катта яккаланган хос қийматга эга бўлиш, ҳамда $z=18$ нуқтада виртуал сатҳ мавжуд бўлиш шартларини топиш мумкин.

3-теорема. 1) *Агар* $\gamma \ge 12$ *бўлса, у ҳолда ихтиёрий* $\mu > 0$ *сони учун* $\mathcal{A}_\mu(\overline{\pi})$ *оператор* $(18; +\infty)$ *интервалда ётувчи ягона хос қийматга эга бўлади*.

2) *Агар* $\gamma < 12$ *бўлса, у ҳолда қуйидаги тасдиқлар ўринли бўлади*:

2.1) *ихтиёрий* $\mu \in (0; \hat{\mu}_r^0(\gamma))$ *сони учун* $\mathcal{A}_\mu(\overline{\pi})$ *оператор 18 дан катта хос қийматга эга эмас*;

2.2) *агар* $\mu = \hat{\mu}_r^0(\gamma)$ *бўлса, у ҳолда* $\mathcal{A}_\mu(\overline{\pi})$ *оператор* $z=18$ *нуқтада виртуал сатҳга эга бўлади;*

2.3) *ихтиёрий* $\mu > \hat{\mu}_r^0(\gamma)$ *учун* $\mathcal{A}_\mu(\overline{\pi})$ *оператор* $(18; +\infty)$ *интервалда ётувчи ягона хос қийматга эга*.

Аниқланишига кўра $\hat{\mu}_l^0(6) = \hat{\mu}_r^0(6)$ бўлиб, $\hat{\mu}_0 := \hat{\mu}_l^0(6) = \hat{\mu}_r^0(6)$ деб олсак, 2- ва 3-теоремалардан қуйидаги натижани оламиз.

1-натижа. 1) *Агар* $\gamma \in (0;6)$ *бўлиб,* $\mu = \hat{\mu}_l^0(\gamma)$ *бўлса, у ҳолда* $\mathcal{A}_\mu(\overline{0})$ *оператор* $z=0$ *нуқтада виртуал сатҳга эга бўлади ва* $\mathcal{A}_\mu(\overline{\pi})$ *оператор* 18 *дан катта хос қийматга эга бўлмайди;*

2) *агар* $\gamma = 6$ *бўлса, у ҳолда* $\mu = \hat{\mu}_0$ *бўлиб,* $\mathcal{A}_\mu(\overline{0})$ *ва* $\mathcal{A}_\mu(\overline{\pi})$ *операторлар мос равишда* $z=0$ *ва* $z=18$ *нуқталарда виртуал сатҳга эга бўлади;*

3) *агар* $\gamma \in (6;12)$ *бўлиб,* $\mu = \hat{\mu}_r^0(\gamma)$ *бўлса, у ҳолда* $\mathcal{A}_\mu(\overline{0})$ *оператор ягона манфий хос қийматга эга ва* $\mathcal{A}_\mu(\overline{\pi})$ *оператор* $z=18$ *нуқтада виртуал сатҳга эга бўлади.*

Иккинчи бобнинг учинчи параграфида $\mathcal{A}_\mu(k_0)$ умумлашган Фридрихс модели учун сонли тасвир тушунчаси ва унинг тузилиши ўрганилган. Бўсағавий ҳодисалар методидан фойдаланиб, умумлашган Фридрихс модели спектри ва сонли тасвири устма-уст тушиш шартлари топилган.

$H-$комплекс Ҳилберт фазоси ва $\mathcal{A}: H \to H$ чизиқли оператор бўлиб, $D(\mathcal{A}) \subset H$ унинг аниқланиш соҳаси бўлсин. $x \in D(\mathcal{A})$, $\|x\|=1$ элементлар ёрдамида ҳосил бўлган $(\mathcal{A}x, x)$ комплекс сонлар тўпламига $\mathcal{A}$ операторнинг *сонли тасвири* дейилади ва $W(\mathcal{A})$ каби белгиланади.

Операторнинг сонли тасвирига оид янада аниқроқ натижалар олиш учун $\hat{H} := H_0 \oplus H_1$ $(H_0 := \mathbb{C},\ H_1 := L_2(\mathbb{T}^{\mathrm{d}}))$ Ҳилберт фазосида қуйидаги кўринишга эга бўлган 2×2 операторли матрицани қараймиз:

$$\hat{\mathcal{A}}_\mu = \begin{pmatrix} A_{00} & \mu A_{01} \\ \mu A_{01}^* & A_{11} \end{pmatrix}, \tag{5}$$

бу ерда $A_{ij}: H_j \to H_i$, $i \le j$, $i, j = 0,1$ матрицавий элементлари қуйидагича аниқланган: $A_{00} f_0 = w f_0$, $\quad A_{01} f_1 = \int\limits_{\mathbb{T}^{\mathrm{d}}} v(s) f_1(s) ds$, $\quad (A_{11} f_1)(p) = u(p) f_1(p)$.

Бунда $f_i \in H_i$, $i = 0,1;$ $w, \mu \in \mathbb{R}$, $\mu > 0$ ва $u(\cdot)$, $v(\cdot)$ лар $\mathbb{T}^{\mathrm{d}}$да аниқланган ҳақиқий қийматли аналитик функциялар.

Агар $v(t) \equiv 1$ ва $\mathrm{d} = 3$ бўлса, у ҳолда ҳар бир тайинланган $k_0 \in \mathbb{T}^{\mathrm{d}}$ учун 2.1 ва 2.2 параграфларда қаралган $\mathcal{A}_\mu(k_0)$ оператор (5) кўринишга эга бўлади.

Диссертация ишида $\hat{\mathcal{A}}_\mu$ оператор сонли тасвири ёпиғининг тузилиши матрицавий элементлар хоссаларидан фойдаланган ҳолда $\mathbb{T}^{\mathrm{d}}$ торнинг барча ўлчамлари учун ўрганилган. $\mathrm{d} = 3$ ва $m = \min\limits_{p \in \mathbb{T}^3} u(p)$, $M = \max\limits_{p \in \mathbb{T}^3} u(p)$ бўлсин.

4-теорема. *Қуйидаги тасдиқлар ўринли бўлади:*

1) *агар m ва M сонлари $\hat{\mathcal{A}}_\mu$ операторнинг «бўсағавий» хос қийматлари бўлса, у ҳолда $W(\hat{\mathcal{A}}_\mu) = [m; M]$ тенглик ўринли бўлади;*

2) *агар m сони $\hat{\mathcal{A}}_\mu$ операторнинг «бўсағавий» хос қиймати бўлиб, бу оператор $z = M$ нуқтада виртуал сатҳга эга бўлса, у ҳолда $W(\hat{\mathcal{A}}_\mu) = [m; M)$ тенглик ўринли бўлади;*

3) *агар $\hat{\mathcal{A}}_\mu$ оператор $z = m$ нуқтада виртуал сатҳга эга бўлиб, M сони бу оператор учун «бўсағавий» хос қиймат бўлса, у ҳолда $W(\hat{\mathcal{A}}_\mu) = (m; M]$ тенглик ўринли бўлади;*

4) *агар $\hat{\mathcal{A}}_\mu$ оператор $z = m$ ва $z = M$ нуқталарда виртуал сатҳга эга бўлса, у ҳолда $W(\hat{\mathcal{A}}_\mu) = (m; M)$ тенглик ўринли бўлади.*

Иккинчи бобнинг тўртинчи параграфида $\hat{\mathcal{A}}_\mu$ умумлашган Фридрихс моделининг квадратик сонли тасвирини ҳисоблаш учун формула келтирилган. Ҳамда, $\hat{\mathcal{A}}_\mu$ оператор квадратик сонли тасвир компоненталари чегаралари учун баҳолашлар олинган ва бу баҳолашлардан $\hat{\mathcal{A}}_\mu$ операторнинг хос қиймати жойлашган ўрни ҳақида аниқроқ маълумот олиш учун татбиқ қилинган.

Қуйидагича белгилашларни киритамиз:

$$\Lambda_\mu^- := \bigcup_{\|f_1\|=1} \left\{ \min\{w, (uf_1, f_1)\} - \mu\,|(v, f_1)|\, tg\left(\frac{1}{2} arctg \frac{2\mu\,|(v, f_1)|}{|w-(uf_1, f_1)|}\right)\right\};$$

$$\Lambda_\mu^+ := \bigcup_{\|f_1\|=1} \left\{ \max\{w, (uf_1, f_1)\} + \mu\,|(v, f_1)|\, tg\left(\frac{1}{2} arctg \frac{2\mu\,|(v, f_1)|}{|w-(uf_1, f_1)|}\right)\right\};$$

$$\delta_{\mu,v}^- := \mu\,\|v\|\, tg\left(\frac{1}{2} arctg \frac{2\mu\,\|v\|}{|w-m|}\right), \quad \delta_{\mu,v}^+ := \mu\,\|v\|\, tg\left(\frac{1}{2} arctg \frac{2\mu\,\|v\|}{|M-w|}\right).$$

1-лемма. $\hat{\mathcal{A}}_\mu$ *операторнинг квадратик сонли тасвири учун* $W^2(\hat{\mathcal{A}}_\mu) = \Lambda_\mu^- \cup \Lambda_\mu^+$ *тенглик ўринли.*

5-теорема. $\mu > 0 -$*ихтиёрий сон бўлсин.*

1) *Агар* $w > M$ *бўлса, у ҳолда* $\Lambda_\mu^- \cap \Lambda_\mu^+ = \varnothing$ *бўлади ва қуйидаги муносабатлар ўринли бўлади:* $\sup \Lambda_\mu^- \le M < w \le \inf \Lambda_\mu^+$;

2) *агар* $w < m$ *бўлса, у ҳолда* $\Lambda_\mu^- \cap \Lambda_\mu^+ = \varnothing$ *бўлиб, қуйидаги баҳолашлар ўринли бўлади:* $\sup \Lambda_\mu^- \le w < m \le \inf \Lambda_\mu^+$;

3) *агар* $m \le w \le M$ *бўлса, у ҳолда* $\Lambda_\mu^\pm$ *тўпламларнинг чегаралари учун қуйидаги баҳолашлар ўринли бўлади:*

$$m - \delta_{\mu,v}^- \le \inf \Lambda_\mu^- \le m, \quad \sup \Lambda_\mu^- \le w; \qquad \inf \Lambda_\mu^+ \ge m, \quad M \le \sup \Lambda_\mu^+ \le M + \delta_{\mu,v}^+.$$

Диссертациянинг учинчи боби «2×2 **операторли матрицанинг спектри. Дискрет спектр асимптотикаси**» деб номланган. Ушбу бобда $H := H_1 \oplus H_2$ ($H_1 := L_2(\mathbb{T}^3)$ ва $H_2 := L_2^s((\mathbb{T}^3)^2)$) фазода таъсир қилувчи қуйидаги $\mathcal{A}_\mu$ - 2×2 операторли матрица қаралади

$$\mathcal{A}_\mu := \begin{pmatrix} A_{11} & \mu A_{12} \\ \mu A_{12}^* & A_{22} \end{pmatrix},$$

унинг $A_{ij} : H_j \to H_i, i \le j, i, j = 1,2$ матрицавий элементлари қуйидаги формулалар ёрдамида аниқланган:

$$(A_{11} f_1)(k) = w_0(k)\, f_1(k), \quad (A_{12} f_2)(k) = \int_{\mathbb{T}^3} f_2(k,s)ds,$$

$$(A_{22} f_2)(k,p) = w_1(k,p)\, f_2(k,p), \quad f_i \in H_i, \quad i = 1,2.$$

Бу ерда $\mu > 0$ – таъсирлашиш параметри, $w_0(\cdot)$ ва $w_1(\cdot;\cdot)$ функциялар эса (4) кўринишга эга.

Қуйидаги тўпламларни аниқлаб оламиз

$$\Lambda_\mu := \bigcup_{k\in\mathbb{T}^3} \sigma_{disc}(\mathcal{A}_{\mu/\sqrt{2}}(k)), \quad \Sigma_\mu := [0;18] \cup \Lambda_\mu.$$

Учинчи бобнинг биринчи параграфида $\mathcal{A}_\mu$ операторли матрица хос функциялари учун Фаддеев интеграл тенгламаси ва унинг симметрик варианти қурилган, ҳамда Бирман-Швингер принципи келтирилган.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфида $\mathcal{A}_\mu$ операторли матрица муҳим спектрининг жойлашув ўрни умумлашган Фридрихс моделлари оиласи спектри ёрдамида ўрганилган, яъни муҳим спектрнинг “икки заррачали” ва “уч заррачали” тармоқлари ажратилган. Бундан ташқари, $\mathcal{A}_\mu$ операторли матрица муҳим спектри тармоқларининг ўзаро жойлашуви тадқиқ қилинган.

6-теорема. *$\mathcal{A}_\mu$ операторли матрицанинг муҳим спектри учун $\sigma_{ess}(\mathcal{A}_\mu) = \Sigma_\mu$ тенглик ўринли. Шунингдек, Σ_μ тўплам учтадан кўп бўлмаган кесмалар бирлашмасидан иборат.*

$\mu_l^0(\gamma) := \sqrt{2}\hat{\mu}_l^0(\gamma)$ ва $\mu_r^0(\gamma) := \sqrt{2}\hat{\mu}_r^0(\gamma)$ бўлсин.

Кейинги натижаларни баён қилиш учун баъзи белгилашларни киритамиз:

$$E_\mu^{(1)} := \min\left\{\Lambda_\mu \cap (-\infty;0]\right\};\quad E_\mu^{(2)} := \max\left\{\Lambda_\mu \cap (-\infty;0]\right\};$$

$$E_\mu^{(3)} := \min\left\{\Lambda_\mu \cap [18;\infty)\right\};\quad E_\mu^{(4)} := \max\left\{\Lambda_\mu \cap [18;\infty)\right\}.$$

$\Delta_{\mu/\sqrt{2}}(\cdot;0)$ ва $\Delta_{\mu/\sqrt{2}}(\cdot;18)$ функциялар $\mathbb{T}^3$ компакт тўпламда узлуксиз бўлганлиги учун, шундай $k_0, k_1 \in \mathbb{T}^3$ нуқталар мавжуд бўлиб, $\max\limits_{k\in\mathbb{T}^3} \Delta_{\mu/\sqrt{2}}(k;0) = \Delta_{\mu/\sqrt{2}}(k_0;0)$ ва $\min\limits_{k\in\mathbb{T}^3} \Delta_{\mu/\sqrt{2}}(k;18) = \Delta_{\mu/\sqrt{2}}(k_1;18)$ бўлади.

Ушбу ўзгармас сонларни аниқлаб оламиз:

$$\gamma_0 := \left(12\frac{I(k_0;0)}{I(\bar{0};0)} - \varepsilon(k_0)\right)\left(1 + \frac{I(k_0;0)}{I(\bar{0};0)}\right)^{-1};\ \gamma_1 := \left(18 - \varepsilon(k_1)\right)\left(1 - \frac{I(k_1;18)}{I(\bar{0};0)}\right)^{-1}.$$

Қуйида келтириладиган теоремаларда $\mu > 0$ ва $\gamma \in \mathbb{R}$ параметрларга боғлиқ ҳолда $\mathcal{A}_\mu$ операторли матрица муҳим спектрининг тузилиши ҳақида тасдиқлар келтирилган.

7-теорема. *$\gamma < 12$ сони учун $\mu = \mu_r^0(\gamma)$ бўлсин. У ҳолда $\mathcal{A}_\mu$ операторли матрица муҳим спектри учун қуйидаги муносабат ўринли бўлади:*

$$\sigma_{ess}(\mathcal{A}_\mu) = \begin{cases} [E_\mu^{(1)}; E_\mu^{(2)}] \cup [0;18], & \textit{агар}\quad \gamma < \gamma_0 \quad \textit{бўлса};\\ [E_\mu^{(1)};18], & \textit{агар}\ \ \gamma_0 \le \gamma < 6\ \ \textit{бўлса};\\ [0;18], & \textit{агар}\ 6 \le \gamma < 12\ \ \textit{бўлса}. \end{cases}$$

8-теорема. $\gamma > 0$ *сони учун* $\mu = \mu_l^0(\gamma)$ *бўлсин. У ҳолда қуйидаги тенглик ўринли бўлади:*

$$\sigma_{ess}(\mathcal{A}_\mu) = \begin{cases} [0;18], & \text{агар } 0 < \gamma \le 6 \text{ бўлса}; \\ [0; E_\mu^{(4)}], & \text{агар } 6 < \gamma \le \gamma_1 \text{ бўлса}; \\ [0;18] \cup [E_\mu^{(3)}; E_\mu^{(4)}], & \text{агар } \gamma > \gamma_1 \text{ бўлса}. \end{cases}$$

Учинчи бобнинг учинчи параграфида μ таъсирлашиш параметрининг шундай μ_0 критик қиймати топилганки, бунда $\mathcal{A}_{\mu_0}$ операторли матрица муҳим спектрдан ташқарида ва бир вақтнинг ўзида муҳим спектрнинг ҳам қуйи (0 га тенг) чегарасига, ҳам юқори (18 га тенг) чегарасига яқинлашувчи чексиз сондаги хос қийматларга эга бўлиши исботланган. Шунингдек, $\mathcal{A}_{\mu_0}$ операторнинг дискрет спектри асимптотикалари топилган.

9-теорема. 1) *Ё* $\gamma \ge 12$ *ва* $\mu > 0$ *ёки ихтиёрий* $\gamma < 12$ *сони учун* $\mu \ne \mu_r^0(\gamma)$ *бўлсин. У ҳолда* $\mathcal{A}_\mu$ *операторли матрица* $E_\mu^{(4)}$ *дан ўнгда ётувчи чекли сондаги хос қийматларга эга бўлади.*

2) *Ё* $\gamma \le 0$ ва $\mu > 0$ *ёки ихтиёрий* $\gamma > 0$ *сони учун* $\mu \ne \mu_l^0(\gamma)$ *бўлсин. У ҳолда* $\mathcal{A}_\mu$ *операторли матрица* $E_\mu^{(1)}$ *сонидан чапда ётувчи чекли сондаги хос қийматларга эга бўлади.*

$\mathbb{S}^2$ - $\mathbb{R}^3$ фазодаги бирлик сфера бўлиб,

$$S_r : L_2((0,r),\sigma_0) \to L_2((0,r),\sigma_0), \quad r > 0, \quad \sigma_0 = L_2(\mathbb{S}^2)$$

ядроси қуйидаги

$$S(t;y) := \frac{25}{8\pi^2\sqrt{6}} \frac{1}{5ch(y)+t}, \; y = x - x', \quad x, x' \in (0,r), \quad t = (\xi,\eta), \quad \xi,\eta \in \mathbb{S}^2$$

кўринишда бўлган интеграл оператор бўлсин.

$\lambda > 0$ сони учун қуйидаги ўзгармасни аниқлаймиз:

$$U(\lambda) = \frac{1}{2}\lim_{r\to\infty} r^{-1} n(\lambda, S_r).$$

Бу лимитнинг мавжудлиги ва $U(1) > 0$ сонининг чекли бўлиши Соболев томонидан исботланган.

10-теорема. 1) *Агар* $\gamma < 12$ *сони учун* $\mu = \mu_r^{(0)}(\gamma)$ *бўлса, у ҳолда* $\mathcal{A}_\mu$ *операторли матрица* $(18;+\infty)$ *оралиқда чексиз сондаги хос қийматларга эга бўлиб, бу хос қийматлар* $E_\mu^{(4)} = 18$ *га яқинлашади. Бундан ташқари,*

$$\lim_{z\searrow 18} \frac{N_{(z;+\infty)}(\mathcal{A}_{\mu_r^0(\gamma)})}{|\ln|z-18||} = U(1)$$

муносабат ўринли бўлади

2) *Агар* $\gamma > 0$ *сони учун* $\mu = \mu_l^{(0)}(\gamma)$ *бўлса, у ҳолда* $\mathcal{A}_\mu$ *операторли матрица* $(-\infty;0)$ *оралиқда чексиз сондаги хос қийматларга эга бўлиб, бу хос*

қийматлар $E_\mu^{(1)}=0$ *га яқинлашади. Бундан ташқари,*

$$\lim_{z\nearrow 0}\frac{N_{(-\infty;z)}(\mathcal{A}_{\mu_l^0(\gamma)})}{|\ln|z||}=U(1)$$

муносабат ўринли бўлади.

$\mu_l^0(\gamma)$, $\mu_r^0(\gamma)$ сонлари ва $E^{(1)}_{\mu_l^0(\gamma)}$, $E^{(4)}_{\mu_r^0(\gamma)}$ чегаравий нуқталарнинг таърифига кўра, $\mu_l^0(6)=\mu_r^0(6)=\mu_0$ ва $E^{(1)}_{\mu_0}=0$, $E^{(4)}_{\mu_0}=18$ муносабатлар ўринли бўлади. Бу ҳолда 10-теоремадан қуйидаги муҳим натижани оламиз.

2-натижа. *Қуйидагича муносабатлар ўринли бўлади*

1) $N_{(-\infty;0)}(\mathcal{A}_{\mu_0})=\infty$, $N_{(18;\infty)}(\mathcal{A}_{\mu_0})=\infty$;

2) $\lim\limits_{z\nearrow 0}\dfrac{N_{(-\infty;\,z)}(\mathcal{A}_{\mu_0})}{|\ln|z||}=\lim\limits_{z\searrow 18}\dfrac{N_{(z;\,\infty)}(\mathcal{A}_{\mu_0})}{|\ln|z-18||}=U(1).$

ХУЛОСА

Мазкур диссертация иши иккита ўз-ўзига қўшма чегараланмаган 2×2операторли матрицалар синфи, $\mathcal{A}_\mu(k)$ умумлашган Фридрихс моделлари оиласи ва уч ўлчамли $\mathbb{Z}^3$ панжарадаги сони учтадан ошмайдиган заррачалар системаси гамильтониани билан боғлиқ $\mathcal{A}_\mu-$ 2×2 операторли матрицанинг спектрал хоссаларини ўрганишга бағишланган.

Диссертация ишининг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1) $\mathcal{A}=\mathcal{A}_0+\mathcal{V}$ кўринишидаги ўз-ўзига қўшма чегараланмаган 2×2 операторли матрицалар синфи учун, $\mathcal{A}$ ва $\mathcal{A}_0$ операторлар резольвенталарининг фарқи чекли рангга эга бўлиб, $\mathcal{A}_0$ оператор муҳим спектри чекли сондаги ўзаро кесишмайдиган кесмалар бирлашмасидан иборат бўлса, $\mathcal{A}$ оператор муҳим спектрининг бўшлиғида чексиз сондаги хос қийматларга эга бўлиши учун $\mathcal{A}_0$ оператор ҳам бу бўшлиқда чексиз сондаги хос қийматларга эга бўлиши зарур ва етарли эканлиги исботланган;

2) $\mathcal{A}_\mu(\overline{0})(\mathcal{A}_\mu(\overline{\pi}))$ оператор учун муҳим спектрнинг қуйи (юқори) чегараси виртуал сатҳ бўлиши учун зарурий ва етарли шартлар топилган;

3) $\hat{\mathcal{A}}_\mu$ оператор матрицавий элементларининг хоссаларидан фойдаланган ҳолда унинг $W(\hat{\mathcal{A}}_\mu)$ сонли тасвирининг ёпиғи, $\mathbb{T}^{\mathrm{d}}$ торнинг барча ўлчамларида тўла таҳлил қилинган. $W(\hat{\mathcal{A}}_\mu)$ ёпиқ тўплам бўладиган ҳоллар ажратилган. Бундан ташқари, $\hat{\mathcal{A}}_\mu$ операторнинг спектри $W(\hat{\mathcal{A}}_\mu)$ тўплам билан устма-уст тушиш шартлари топилган. $\hat{\mathcal{A}}_\mu$ оператор квадратик сонли тасвири компоненталарининг чегаралари учун баҳолашлар олинган;

4) $\mathcal{A}_\mu(k)$ умумлашган Фридрихс моделлар оиласининг спектри ёрдамида $\mathcal{A}_\mu$ оператор муҳим спектрининг жойлашув ўрни ва тузилиши ўрганилган;

5) μ таъсирлашиш параметрининг шундай $\mu_l^0(\gamma)$ ва $\mu_r^0(\gamma)$ критик қийматлари топилганки, бунда $\mu \neq \mu_l^0(\gamma)$ ($\mu \neq \mu_r^0(\gamma)$) бўлганда $\mathcal{A}_\mu$ оператор муҳим спектрдан чапда (ўнгда) чекли сондаги хос қийматларга эга бўлиши кўрсатилган;

6) $\mu = \mu_l^0(\gamma)$ ($\mu = \mu_r^0(\gamma)$) бўлганда $\mathcal{A}_\mu$ операторнинг муҳим спектридан чапда (ўнгда) чексиз сондаги хос қийматлари мавжудлиги исботланган;

7) $\mu_0 := \mu_l^0(6) = \mu_r^0(6)$ бўлганда $\mathcal{A}_{\mu_0}$ оператор муҳим спектрдан ташқарида ва бир вақтнинг ўзида муҳим спектрнинг қуйи (0 га тенг), ҳамда юқори (18 га тенг) чегараларига яқинлашувчи чексиз сондаги хос қийматларга эга бўлиши кўрсатилган. Бундан ташқари, $\mathcal{A}_{\mu_0}$ операторнинг $z, z \leq 0$ дан чапда ва $z, z \geq 18$ дан ўнгда ётувчи хос қийматлари сони учун мос равишда $z \nearrow 0$ ва $z \searrow 18$ да асимптотикалар олинган.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.06.2020.FM.70.04
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
КАРШИНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ДИЛМУРОДОВ ЭЛЁР БАХТИЁРОВИЧ

СПЕКТРАЛЬНЫЕ СВОЙСТВА ОПЕРАТОРНЫХ МАТРИЦ ВТОРОГО ПОРЯДКА

01.01.01 – Математический анализ

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

Карши-2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2019.2.PhD/FM327.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.qarshidu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz)

Научный руководитель:	**Расулов Тулкин Хусенович** кандидат физико-математических наук, доцент
Официальные оппоненты:	**Рахматуллаев Музаффар Мухаммаджанович** доктор физико-математических наук (DSc)
	Хамраев Ахрор Юсупович кандидат физико-математических наук
Ведущая организация:	**Самаркандский государственный университет**

Защита диссертации состоится «20» 05 2021 года в 14^{00} на заседании Научного совета PhD.03/30.06.2020.FM.70.04 при Каршинском государственном университете (Адрес: 180103, г. Карши, ул. Кучабаг, 17. Тел.: (+998 75) 225-34-13, факс: (+998 75) 221-00-56, e-mail: qarshidu@umail.uz). Каршинский государственный университет, Физико-математический факультет (кабинет 102).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского государственного университета (зарегистрирована за №43). (Адрес: 180103, г. Карши, ул. Кучабаг, 17. Тел.: (+998 75) 225-34-13).

Автореферат диссертации разослан «08» 05 2021 года.
(протокол рассылки № 3 от «08» 05 2021 года).

Б.А. Шоимкулов
Председатель научного совета
по присуждению научных степеней,
д.ф.-м.н., профессор

А.А. Имомов
Ученый секретарь научного
совета по присуждению научных
степеней, д.ф.-м.н. (DSc), доцент

Ю.Х. Эшкабилов
Председатель научного
семинара при научном совете по
присуждению научных степеней,
д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Многие научно-прикладные проблемы, исследуемые в мире, приводятся к определению спектральных свойств операторных матриц, элементы которых являются линейными операторами в гильбертовых пространствах. В настоящее время задачи, связанные с существенным и дискретным спектрами операторных матриц, являются наиболее интенсивно изучаемыми в физике твердого тела, квантовой теории поля, статистической физике, магнитогидродинамике, квантовой механике и во многих других областях. Поэтому развитие исследований операторных матриц, соответствующих системе с несохраняющимся ограниченным числом частиц на решетке, встречающееся в спектральной теории линейных ограниченных самосопряженных операторов, остается одной из актуальных проблем.

В настоящее время в мире проводится множество научных исследований по определению условий, при которых количество собственных значений операторных матриц бесконечно. В связи с этим особое внимание уделяется демонстрации структуры числовой области значений и квадратичной числовой области значений для обобщенной модели Фридрихса, определению структуры существенного спектра, нахождению условия конечности или бесконечности числа собственных значений вне существенного спектра операторной матрицы второго порядка.

В нашей стране большое внимание уделяется исследованиям по выявлению свойств операторных матриц, соответствующих к системам с не более чем двух и не более чем трех частиц. В результате исследований были достигнуты значимые результаты в определении существенного и дискретного спектров, количества собственных значений и нахождении асимптотики дискретного спектра операторных матриц. Постановлением Кабинета Министров обозначены «Основные задачи и направления деятельности научных исследований на уровне международных стандартов по приоритетным направлениям математики, физики, прикладной математики»[2]. В связи с этим большое научное значение имеет развитие спектральной теории линейных операторов, позволяющей описать структуру существенного спектра а также определение условий конечности или бесконечности дискретного спектра операторной матрицы второго порядка.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, указанных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, № УП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от

[2] Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 мая 2017 года №292 «О мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений Академии наук Республики Узбекистан»

17 февраля 2017 года, № ПП-4387 «О мерах государственной поддержки дальнейшего развития математического образования и науки, а также коренного совершенствования деятельности Института математики имени В.И. Романовского Академии наук Республики Узбекистан» от 9 июля 2019 года и ПП-4708 от 7 мая 2020 года «О мерах по повышению качества образования и развитию научных исследований в области математики», а также в других нормативно-правовых актах, относящихся к данной области деятельности.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствие с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

